

**ТАРБИЯ БҮЛМАСА ТАЪЛИМ БҮЛМАЙДИ,
ТАЪЛИМ БҮЛМАСА ТАРАҚҚИЁТ БҮЛМАЙДИ**

Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев

Мурод Мухаммадович Мухаммедов

*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
профессорлари, иқтисодиёт фанлари докторлари*

Тел. ва телеграм: +998 (97) 7930048

Аннотация: мақолада “тарбия бўлмаса таълим бўлмайди, таълим бўлмаса тараққиёт бўлмайди”, деган ғоя исботланган. Тарбия ҳаёт билан ҳамнафас ҳолда давом этиши билан бирга азалий қадриятларимизни йўқотмаслиги лозимлигига ҳам алоҳида аҳамият берилган. Бугунги тарбия жараёнида инновацион ғояларнинг мазмунини сингдириш билан бирга қадриятларимизни ҳам айрим жиҳатларини шунга мос равишда сақлаб қолиш ва унга қатъий амал қилиш керак деган ғоя илгари сурилган. Ушбу жараён ўта нозик бўлганлиги туфайли, уни амалга ошириш учун бир қанча аниқ вазифалар ҳам қўйилган.

Калит сўзлар: таълим, тарбия, таълим ва тарбия, тараққиёт, инновация, таълим сифати, таълим самарадорлиги, оила, оиласвий тарбия, рақамли технология.

**БЕЗ ВОСПИТАНИЯ НЕТ ОБРАЗОВАНИЯ, БЕЗ
ОБРАЗОВАНИЯ НЕТ РАЗВИТИЯ**

Мамаюнус Каршибаевич Пардаев

Мурод Мухаммадович Мухаммедов

Профессора Самаркандского института экономики и сервиса, доктора
экономических наук. Тел. и телеграм: +998 (97) 7930048

Аннотация: в статье доказана мысль о том, что «без воспитания не будет образования, без образования не будет развития». Воспитание должно продолжаться в соответствии с духом времени, однако уделяется особое внимание тому, чтобы оно не привело к утрате наших древних ценностей. Выдвинуто мнение о том, что сегодня в процессе воспитания, наряду с толкованием содержания инновационных идей, необходимо, в соответствии с этим, сохранять отдельные аспекты ценностей и строго придерживаться их в повседневной практике. Поскольку процесс воспитания носит многоаспектный характер, для достижения намеченной цели были поставлены конкретные задачи.

Ключевые слова: образование, воспитание, образование и воспитание, развитие, инновации, качество образования, эффективность образования, семья, семейное воспитание, цифровая технология.

NO EDUCATION WITHOUT EDUCATION, NO DEVELOPMENT WITHOUT EDUCATION

Mamayunus Karshibaevich Pardaev

Murod Muhammedovich Muhammedov

Professor of the Samarkand Institute of Economics and Service, Doctor of Economics. Phone and telegrams: +998 (97) 7930048

Abstract: The article proves the idea that "without education there will be no education, without education there will be no development." Education must continue in accordance with the spirit of the times, but special attention is paid to ensuring that it does not lead to the loss of our ancient values. It is believed that today, in the process of singing, along with the interpretation of the content of innovative ideas, it is necessary, in accordance with this, to preserve certain aspects of values and strictly adhere to them in everyday practice. Since the process of upbringing is multidimensional, specific tasks were set to achieve the intended goal.

Key words: education, upbringing, education and upbringing, development, innovation, quality of education, effectiveness of education, family, family education, digital technology.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш, мамлакатда ижтимоий-иктисодий тараққиётни жадаллаштириш асосида халқнинг ҳаёт фаронлигини юксалтириш, унга муносиб ҳаёт тарзини шакллантириш бош мақасд қилиб белгиланган. Дунё мамлакатларининг амалий синовлардан ўтган бой тажрибаси бундай оламшумул мақсадларга эришишда таълим ва илму-фанинг роли бекиёс эканлигидан далолат беради. Қимматбаҳо ва нодир иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланиш, илмга сигимкор замонавий товар ва хизматлар ишлаб чиқариш асосида Ўзбекистоннинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини ошириш, ахоли даромадлари ва иш ҳақини ошириш каби натижаларнинг ҳаммаси, охир-оқибатда таълимга бориб тақалади.

Кейинги йилларда кенг кўламли иқтисодий ислоҳотлар доирасида Ўзбекистонда таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, таълимни тез суръатлар билан ривожлантириш, уни замон талаблари даражасига қутаришга қаратилган саъй ҳаракатларнинг амалга оширилаётганлиги бежиз эмас. Ўзбекистонда олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси қабул қилинди. Унда олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини

белгиланди, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга қўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш каби муҳим масалалар ўз аксини топган. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда таълимнинг барча бўғинларида ислоҳотларни ягона концепция асосида амалга ошириш бўйича, таълим жараёнига замонавий талаблар ва жамият эҳтиёжларига жавоб берадиган инновацион педагогик технологияларни жорий қилиш бўйича жиддий ишлар амалга оширилмоқда.

Янги Ўзбекистонда таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, унинг улкан имкониятларидан халқ манфаатлари йўлида унумли фойдаланиш муаммоси мамлакатда тарбияни такомиллаштириш, унинг таълим сифатини оширишга таъсирини кучайтиришни тақазо этади.

Таълим ва тарбия ўзаро узвий боғлиқ, бир-бирини тўлдирувчи жараёнлардир. Чунки, тўғри тарбияланмаса болалар таълимга қизиқмайди. Демак, тарбия бўлмаса, таълим сифати юқори бўлмайди, сифатли таълимсиз эса тараққиётга эришиб бўлмайди. Таълим олиш, ўқиш, илмли бўлиш ўқувчидан катта кучни талаб қиласидиган ўта мураккаб, меҳнатталаб жараён. У ёшлардан кўп вақт ва катта меҳнат сарфлашни талаб қиласи.

Тарбия таълим сифатини оширишнинг муҳим омили ҳисобланади. Тарбия серқирра, бир неча муҳим йўнклишларда амалга ошириладиган жараён. Улар сирасига ақлий тарбия, жисмоний тарбия, меҳнат тарбияси, экологик тарбия, эстетик тарбия, маънавий-ахлоқий тарбия, оилавий тарбия, ватанпарлик руҳида тарбиялаш кабиларни киритиш мумкин. Тарбия турларига дикқат билан назар солсак, уларнинг аксарият кўпчилиги таълимга алоқадор бўлиб, таълим сифатини шакллантиришда бевосита ва фаол иштирок этади.

Тарбия ҳаёт билан ҳамнафас ҳолда давом этиши билан бирга азалий қадриятларимизни йўқотмаслиги ҳам лозим. Бугунги тарбия жараёнида инновацион ғояларнинг мазмунини сингдириш билан бирга қадриятларимизни ҳам айрим жиҳатларини шунга мос равишда ташкил қилиб бориш лозим бўлмоқда. Ушбу жараён ўта нозик бўлиб, ўз ичига бир қанча вазифаларни қамраб олади.

Ушбу мақолада қуйидаги вазифаларни қайд этишни мақсадга мувофиқ, деб топдик

Биринчидан, ёшларимизни илмни чуқур эгаллаш, замонавий билим ва технологияларни мукаммал ўзлаштириш, меҳнат бозорида рақобатбардош юқори малакали мутахассис бўлиш зарулиги руҳида тарбиялаш. Ўзбекистоннинг келажаги, истиқболи, қолаверса, ўзининг шахсий ҳаёти айнан ёшларнинг билим савијасига узвий боғлиқлигини, бунинг ўткир зарурат

эканлигини обдан тушунтириш, руҳига сингдириш. Ўқувчи шу муҳим масаланинг туб моҳиятини тушуниб етмагунга қадар таълимга эътиборсизлик билан қарашда давом этади. Айнан таълим келажакда юқори маош оладиган касб йўналишларида фаолият юритишнинг, қолаверса, камбаҳалликдан чиқишишнинг асосий шарти эканлигини яхшилаб уқтириш лозим.

Иккинчидан, Абу Райҳон Беруний, Ал-Хоразмий, Алишер Навоий, Абу Али ибн Сино, Улуғбек, Форобий, Бобур каби буюк мутафаккирларнинг, алломаларнинг ва бошқа дунё эътироф этган забардаст олимларнинг ўтмишдан бизга мерос қолган бой илмий меросини ўрганиш, қадрлаш, бойитиш, ана шундай авлод-аждодларнинг муносиб фарзандлари эканлигидан ғурурланиш, ўзининг илму-фан соҳасидаги ютуқлари билан исботлаш руҳида тарбиялашга эътиборни, ушбу йўналишдаги тарбиявий ишларни кучайтириш. Бу борада тегишли амалий тадбирларни амалга ошириш ҳам бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Ота-боболаримиз ўз вақтида катта муваффақиятларга нима эвазига эришганлигини чуқур ўрганиб, улардан бугунги кун эҳтиёжлари йўлида самарали фойдаланишни ҳам йўлга қўйиш вақти келди, деб ўйлаймиз.

Учинчидан, бугунги кунда аҳолининг, айникса ёшларни тарбиялаш жараённида инновацион ва рақамли технологияларга бефарқ бўлмаслик, аксинча, уларга нисбатан катта қизиқиш уйғотиш ҳам ҳаётий заруратдир. Чунки, буларсиз умуман муваффақиятга эришиш мумкин эмаслигини чуқур англатиш керак бўлмоқда. Бугунги кунда янги инновацион ва рақамли технологияларни шунчаки ўргатиш эмас, балки уларга зўр қизиқиш уйғотиш, улардан фойдаланиб яшаш учун тегишли неъматларни (моддий, молиявий, маънавий бойликларни) қўлга киритиш зарурияти ҳам тобора кучайиб бормоқда.

Тўртинчидан, исломий одатларга кўра, ўз оиласига садоқат руҳида тарбиялаш билан бирга атрофдаги ёрдамга муҳтоҷ оилаларга, ижтимоий тадбирларга беғараз ёрдам кўрсатишнинг нечоғлик ижобий аҳамиятга эга эканлигини сингдириш ва ушбу жараённи кучайтириш чораларини кўриш ҳам зарурий амаллардан бирига айланди. Бирча исломий арконларни бажариш орқали инновацион ғояларни амалга ошириш ҳам бизнинг азалий қадриятларимиз ҳисобланади. Буни ёшларимизга тўғри ва мукаммал тушунтира олишимиз лозим. Акс ҳолда, Ғарб давлатларининг “ислом тараққиётга қарши”, деган ноўрин ғоясини рад этиш, унга қарши зарба бериш қийин бўлади.

Бешинчидан, тарбия жараённида ёшларда тадбиркорликка катта қизиқиш ҳис-туйғуларини шакллантириш. Энг аввало, тадбиркорларнинг сирасорларини, нозик жиҳатларини уларга жонли мисоллар ёрдамида тарғибот

қилиш, ўргатиш масалаларига эътиборни кучайтириш лозим. Биринчидан, уларнинг қандай бой бўлганлигини қўрсатилса, иккинчидан, уларнинг бойликларидан тўланадиган закотларига мўлжалланган маблағларини кам таъминланганлар ҳамда илм-фан, таълим, соғликни сақлаш соҳаларига йўналтириш билан бирга, ишсиз одамларга ёрдам бериш орқали янги иш ўринларини яратишга мўлжалланган бизнесга ҳомийлик қилишнинг нақадар савоб иш эканлигини сингдиришнинг ҳам тарбиявий аҳамияти катта.

Олтинчидан, ҳар бир шахсни ёшлигидан ўзининг шахсий ҳаётида, оиласидан тортиб, бутун жамият миқёсида тежамкорликка катта аҳамият бериш, нодир ва ноёб ресурслардан ўринли фойдаланиш лозимлигини сингдириш ҳам ўта зарур тадбирлардандир. Тежамкорликка эришиш учун исрофгарчиликка йўл қўймаслик, катта меҳнат эвазига яратилган нознеъматларни қадрига етиш лозим. Исрофгарчилик инсонни икки дунё саодатидан ҳам маҳрум қилиш мумкинлигини зўр маҳорат, ҳаётий мисоллар билан тушунириш лозим бўлади. Шу ўринда яна бир йўналишни таъкидлаш лозимки, бугунги кунда экологияни асрраб-авайлаш ва уни яхшилашга таълимтарбия кўрган ёшлар масъуллигини сингдириш ҳам катта аҳамиятга эга.

Еттинчидан, бугунги кун, яъни инновацион иқтисодиётни шакллантириш ғояси талабларидан келиб чиқиб, мамлакатимизда барча инсонларни, айниқса ёшларни ақлий меҳнатнинг қўл меҳнатидан афзал томонларини, ақлий меҳнат инсонни тўқ фаровон ҳаётга, қўл меҳнати эса иқтисодий қолоқликки маҳкум этишини батафсил тушунириш лозим бўлмоқда. Бундай дунёқарашни шакллантириш ёшларда ўзининг интеллектуал салоҳиятини оширишга катта қизиқиши, сўнмас интилиш уйғотишини тақозо этади.

Саккизинчидан, болаларимизни хулоса қилишда шошмасликка ўргатиш, бирорта қарор қабул қилишда “7 ўйлаб бир кесиши” тамойилига таянишга обдан ўргатиш лозим бўлади. Шу билан бирга, ҳар қандай ишларнинг режасини шакллантиришда ва уни амалга оширишда чуқур ўйлаб, катта ақл ва иқтисодий тафаккур асосида ёндашган ҳолда амалга ошириш ҳам даркордир. Ҳар қандай ишни амалга ошириш жараёнида камида 7 та камчилик тобиб, уларни тузатиб, ишнинг сифатини яхшилаш йўлларини ўргатишни ҳам йўлга қўйиш лозим.

Тўққизинчидан, мамлакатимиз фуқароларида мавжуд моддий, маънавий ва меҳнат ресурсларидан ва уларнинг имкониятларидан самарали фойдаланиш ҳамда уларни доимий равишида тежаб ишлатиш билан бирга қўпайтириб боришига ҳаракат қилиш қўнимасини ҳам шакллантиришга қаратилган йўл-йўриқларни ишлаб чиқиши ва уларни аҳоли онгига сингдириб, кундалик ҳаёт тарзига айлантириш тарбиянинг энг муҳим, энг долзарб вазифаларидан биридир.

Ўнинчидан, агар одамнинг қўлидан келса “захардан-дори тайёrlаш” ёки “бирор нарсани йўқдан бор қилиш” мумкинлигига ишонч билан ҳаракат қилиш кўниkmаси ҳам шаклланган бўлиши лозим. Бундай инновацион йўналишларга эришиш инсон қобилиятини, айниқса мияни (ақилни) тизимли ишлатишни ўрганишни ҳам тақозо қилас.

Ўн биринчидан. ҳар бир инсоннинг ақл-заковатни ўстириш билан бирга фаол яшаш, имкони борича саломатликни умринг охиригача сақлаш йўлларини ҳам ўрганишга тегишли тадбирларни қўллаш, ҳар куни маълум вақтни саломатлик вақти, деб белгилаб, бу билан тизимли равишда шуғулланишни йўлга қўйиш ҳам лозим. Бунинг учун айнан шу йўналишда тарбия ишларини кучайтишимиз лозим.

Ўн иккинчидан юксак маънавиятнинг шаклланишига ва ундан самарали фойдаланишга доимий равишда эътибор қилиб, қадриятларимиз асосида ҳар бир инсонда иймон-эътиқодни шакллантириб, бировнинг ҳақини ўзлаштириш қанчалик ширин туюлмасин, оқибати заҳар бўлишлигини сингдириш ҳам лозимдир. Ушбу ҳолатга тарбиянинг муҳим йўналиши сифатида қараш мақсадга мувофиқдир.

Бизнингча, юқорида қайд этилган тадбирларнинг барчаси тарбиянинг, хусусан маънавий-ахлоқий тарбиянинг таълим сифатини тубдан яхшилашдаги ролини кескин ошириш, Янги Ўзбекистонда жаҳон бозорида ҳар қандай рақобатга бардош беришга қодир миллий иқтисодиётни шакллантириш муаммосини ечишга амалий ёрдам беради.